

«Мазҳабга эргашиш зарурати» мавзусида маърифий суҳбат бўлиб ўтди



21:46 / 16.10.2025 616

Ислом таълимотларини тўғри англаш ва амалга оширишда мазҳабларнинг тутган ўрни беқиёсдир.

Хусусан, юртимизда асрлар давомида ҳукм суриб келаётган Ҳанафий мазҳабининг аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Шу муносабат билан, “Октябрь – Ҳанафий мазҳабини ўрганиш оyi” доирасида “Ақоид ва Фикҳий фанлар” кафедраси томонидан “Мазҳабга эргашиш зарурати” мавзусида маърифий суҳбат ташкил этилди.

Суҳбатни кафедра катта ўқитувчиси Ҳасан домла Қодиров олиб борди. Домла ўз маърузасида дин, Қуръон ва шариат инсон зиммасидаги улкан омонат эканини таъкидлаб, унинг ҳукмларини тўғри англашда Ҳанафий мазҳабининг беқиёс ўрнини ёритиб берди.

Ҳасан домла мазҳабга эргашиш бугунги мусулмон учун фақат тавсия эмас, балки зарурат эканини таъкидладик.

Мазҳаблар шариат аҳкомларини тизимли ўрганиш, ихтилофлардан йироқ бўлиш ва ҳавои нафсга эргашмасликка ёрдам беради.

Тадбирда иштирок этган талабалар мазҳабга эргашишнинг диний-ҳуқуқий асослари ҳамда улуғ имомларимизнинг илмий услублари ҳақида фойдали маълумотларга эга бўлдилар.

Ушбу маърифий тадбир динимизни тўғри англаш, мазҳаб усулларини чуқур ўрганиш ва жамиятда мутаассибликка қарши соғлом диний иммунитетни шакллантириш йўлида муҳим қадам бўлди.